

# ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ПОЛИЗ ЭКИН НОМЛАРИНИНГ КЕЛИБ

## ЧИҚИШ ТАРИХИ

Хайдарова Камола Давроновна

Инглиз тили ўқитиш методикаси кафедраси

катта ўқитувчиси

Термиз давлат университети

*Аннотация:* Ҳар бир тилнинг лугат бойлиги, ўша халқ тарихига оид қимматбаҳо маълумотларни ўзида сақлайдиган хазина ҳисобланади. Халқларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши, моддий ва маънавий бойликларини эгаллашдаги аҳамияти ўша тил лексикасида ўз ифодасани топади.

*Калит сўзлар:* полиз экинлари, қовун турлари, Хоразм қовуни, “Девону луготит турк” асари, “Бобурнома”.

Асрлар давомида мева-сабзавот ва полиз экинлари номлари билан боғлиқ лексик бирликлар тилшунос олимлар диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Аммо, бу экинларнинг қачон пайдо бўлганлигини айтиш жуда ҳам қийин. Ушбу соҳага оид адабиётлардан шуни билишимиз мумкинки, уларнинг ҳозирги маданий шакли дастлаб ёввойи ҳолда ўсганлиги ва аста-секин олимлар ушбу экинларни маданийлаштириб, ҳаттоки дунёнинг бошқа қитъаларида ҳам авлод ва навлари кўпайиб бораётганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Ўзбекистон ҳам мева-сабзавот ва полиз экинларининг авлод ва навларини етиштириб берган қадимий ўлкалардан ҳисобланади.

Жумладан, тарихий қўлёзмаларда Хоразм қовунини кўрғошин қоғозига ўраб, узоқ мамлакатларга жўнатилиши, IX-X асрларда Ироқ мамлакатларига олиб бориб сотилиши ва Боғдод аҳолисининг ушбу қовунларни юқори баҳолаганликлари кўрсатилган. Ҳаттоки академик И.М.Жуковский ҳам қовуннинг ватани “Ўрта Осиё ва Туркия, Ироқ”,-дейди. Маҳмуд

Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” ва “Қадимги туркий луғат”да қовун турлари ва номлари тўғрисидаги дастлабки маълумотларга дуч келамиз. Солиҳ Муталлибов “Девони луғотит турк”ни ўзбек тилига таржима қилаётиб, бу қовунни ҳандалак бўлса керак, деб тахмин қилади<sup>1</sup>. Ушбу асарда тарвуз тушунчаси *бўкән* лексемаси орқали ифодаланиб бошқа сўзлардан фарқ қилган<sup>2</sup>.

Қовун навлари ва уларнинг турлари ҳақида атрофлича маълумотлар бутун жаҳонга маълум ва машҳур бўлган маъданий ёдгорликларимиздан бири бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам қайд қилинган. Бобур йирик бир олим, табиатшунос сифатида қовунларга таъриф беради. Ҳаттоки уларни ҳудудларга ажратиб ҳам тасниф қилади.

*Бухоро қовуни машҳурдир. Самарқандни олгон маҳалда Ахсидин, Бухородин қовун келтуруиб бир мажлисда кестурдим, Акси қовунининг ҳеч нисбати йўқ эрди. (Бобурнома, 136)*

Ушбу қовун навлари ҳақида қимматли маълумотларни бизга мерос қилиб қолдирган “Бобурнома” асари 1921 йилда Сусанна Бевериж хоним томонидан қилинган таржимасида қуйидагича берилади:

*The melons of Bukhara are famous; when I took Samarkand, I had some brought from there and some from Akhsi; they were cut up at an entertainment and nothing from Bukhara compared with those from Akhsi ( Baburname, 10 p).*

Қовунларнинг ҳар хил навларга кўра фарқланиши ва номланиши Бобур замонида ҳам маълум ва машҳур бўлган.

*Мовароуннаҳрда Бухоро қовунича кўп ва ҳўп қовун бўлмас. Агарчи Фаргона вилоятидин Ахсининг бир нав қовуниким, “мир-темурий” дерлар, мунинг қовунидин чучукроқ ва нозикроқ бўлур, вале Бухорода ҳар жинс қовундин кўп бўлур ва яхши бўлур. (Бобурнома, 846).*

---

<sup>1</sup> Махмуд Қошғарий. Девони луғотит турк. Тошкент. 1960. 450-бет.

<sup>2</sup> Муталлибов С. “Девони луғотит турк”нинг 1-томида *бўкәнни* тарвуз деб таржима қилса, “Қадимги туркий луғат”да “ҳинд қовуни” тарзида берилади. “Девони луғотит турк” нинг “Индекси”да ҳам *бўкән* “ҳинд қовуни” деб таржима қилинган. Шунинг учун ҳам *бўкәнни* тарвуз ва қовун бўлимида баравар берилди.

“Бобурнома”асарида Мовароуннахрнинг машхур қовунини Хиндистонга олиб бориб эктирганлиги ҳақида баъзи маълумотлар бор. Бобур 1526 йили Панипат шаҳрида “Кобул-Бахт” боғида биринчи марта Ўрта Осиё қовуни билан узумини ўстириш бўйича тажрибалар ўтказди. Унинг таъкидлашича, балхлик полизкор деҳқонни таклиф қилиб, қовун экишни буюради. Деҳқон етиштирган қовунларидан бир нечтасини Бобур ҳузурига олиб келади. Асарда ҳийлагина яхши қовунлар бўлгани таъкидланган <sup>3</sup>.

Қовун номлари тўғрисида маълумот берувчи яна бир тарихий манба XVII асрда яшаб ўтган балхлик энциклопедист олим Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ал асрор фи манақиб ал аҳйар” (“Сирлар денгизи”) асаридир. Ушбу асарда Балх хони Нодирмуҳаммад Аштархонийнинг буйруғи биноан Ўрта Осиёдан Балхга олиб бориб экилган энг ширин қовун номлари баён этилган.

Хуллас, тарихий фактлардан маълум бўлишича, полиз экинлари (қовун, тарвуз, қовоқ-ошқовоқ) эрамиздан 4000 йил аввал ҳам экилган, лекин ҳозирги ҳолатда бўлмаган албатта.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Исмоилов И, Мелиев К, Сапаров М. Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллири лексикасидан тадқиқот-Тошкент: Ўзбекистон ССЖ “Фан” нашриёти, 1990-256 б.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” , “Янги аср авлоди нашриёти”, 2018. 10/704-бет.
3. Фасмер М. Этимологический словарь русского языка. Т. III М., 1971

Русского-узбекский энциклопедический словарь по ботанике. Т. I, Ташкент, 1973. С. 126;

4. Нўймонов Т. Ўзбек тилида полизчилик терминлари (Фарғона водийси ўзбек шевалари материаллари асосида). Кандидатлик диссертацияси. Тошкент, 1971.

---

<sup>3</sup> Абдукарим Зикриёев. Хинд сорида пишган қовун ёхуд Мирзо Бобур кашфиётлари. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2008й №6.

5. Нўмонов Т. Қовун номлари турларини ифодаловчи сўз-терминлар// Ўзбек тил ва адабиёти масалалари. Тошкент, 1968; Палак қовун, амири, қирқма сўзлари ҳақида// Мехнат ва турмуш. 1974, 4-сон. Полизчилик терминларининг композиция усули ва ясалиши// Ўзбек тили ва адабиёти. 1971, 6-сон; Қовун номлари турларини ифодаловчи сўз-терминлар масаласига доир// Ўзбек тили грамматик қурилиши ва лексикалогия масалалари. VI чиқиши. Самарқанд, 1978.
6. Ермохин В.Н., Каримов А. Ўзбекистон қовунлари. Тошкент. 1969. 28-бет; Ермохин В.Н. Дыни Узбекистана. Ташкент, 1974.
7. Махмуд Қошғарий. Девони луғотит турк. Тошкент. 1960. 450-бет.
8. Иброҳимов С. М. Бухоронинг маҳаллий қовунлари. Тошкент, 1968.
9. Абдукарим Зикриёев. Ҳинд сорида пишган қовун ёхуд Мирзо Бобур кашфиётлари. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2008й №6.
10. Филов А.И. Бахчеводство в Средней Азии// Бахчеводство. М., 1959